

1. Ҳал қилув қарори қандай қисмлардан иборат?
2. Кассация шикоятини (протестини) бериш тартиби ва муддати ҳақида маълумот беринг.
3. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчасини аниқланг?
4. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати қайси пайтдан бошлаб вужудга келади?
5. Низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларни нима фарқи бор?
6. Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асосларини санаб беринг.
7. Битимлар деб.....
8. Сервитут ҳуқуқи нима?
9. Интеллектуал мулк объекти муаллифининг шахсий номулкий ҳуқуқлари қанча вақтгача ҳимоя қилинади?
10. Никоҳ қачондан бошлаб тугатилган ҳисобланади?
11. Оила ҳуқуқи нормаларига биноан шахсга берилган тўла муомала лаёқати қачон бекор қилинади?
12. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси қайси жавобда тўғри берилган?
13. Меҳнат низолари бўйича комиссиянинг (МНБК) қарори устидан судга шикоят қилиш муддати неча кун?
14. Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асосни топинг:
15. Қуйидаги қайси юридик шахс тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади?
16. Қарз шартномаси:
17. Далилларнинг мақбуллиги бу-
18. Оналик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш конституциявий принципини таъминлаш судларнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланиши қуйидаги ҳужжатлардан қайси бирида белгиланган?
19. Агар ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, оталик қандай тартибда белгиланади?
20. Оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво билан қанча муддатда судга даъво қилиниши мумкин?
21. Бола тарбияси билан боғлиқ низоларни кўришда, агар иш ҳолатларига кўра суд томонидан болани сўраш зарур деб топилса, бундай сўров қандай амалга оширилиши керак?
22. Суднинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса, қабул қилинган кундан эътиборан қанча муддат ўтгач қонуний кучга киради?
23. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги иш бўйича келишув битими ёки медиатив келишув тузилишига йўл қўйиладими?
24. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ишлар судда даъво аризаси иш юритувига қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан неча кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак?
25. Даъво аризасида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини қайтариш ва уни ярқли ҳолатга келтириш~~ни~~ сўралганда, булар битта талаб сифатида баҳоланадими?

26. Қуйидагилардан қайси бири ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни белгилашга йўл қўйилмаслигининг сабаби ҳисобланади?
27. Қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб бериши мумкинми?
28. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс қандай ҳолларда жавобгарликдан озод қилиниши мумкин?
29. Нотариал тартибда тасдиқланган гаров шартномаси асосидаги гаров ҳуқуқи қачон юзага келади?
30. Ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёлар ундирувчига топширилиши керак бўлганда, ундирувчи уни олишдан бош тортган ёки бир неча марта таклиф қилинса-да келмаган тақдирда, улар кимга қайтарилади?
31. Қарздорнинг кўчирилиши тўғрисидаги ижро ҳужжатида кўрсатилган хона сақлашга олинган ёки қайтарилмаган мол-мулкни қарздор уйдан кўчирилган кундан эътиборан неча ой ичида олиб кетмаса, давлат ижрочиси мазкур мол-мулкни реализация қилишга топширади?
32. Фуқаролик иши бўйича далиллар деганда нима тушунилади?
33. Тарафларнинг, учинчи шахсларнинг ва улар вакилларининг тушунтиришлари қандай тарзда берилиши мумкин?
34. Нотариал тартибда расмийлаштирилган ҳужжатнинг ҳақиқийлиги инкор этилмаган ёки нотариал ҳаракатни амалга ошириш тартиби жиддий равишда бузилганлиги аниқланмаган бўлса, нотариус томонидан нотариал ҳаракат амалга оширилган пайтда тасдиқланган ҳолатлар исботлашни талаб қиладими?
35. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган аудио- ёки видеоёзувлар, электрон почта ёки бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ёзишмалар қандай баҳоланиши керак?
36. Қайси ҳолатларда ҳужжатнинг ёки бошқа ёзма далилнинг фақатгина нусхаси билан тасдиқланган ҳолатлар исботланган деб ҳисобланиши мумкин эмас?
37. Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш қуйидаги ҳолатларда юзага келади:
38. Интеллектуал мулк соҳасида келиб чиқадиган низоларнинг ҳуқуқий табиати (оммавий ёки хусусий) ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби қачон аниқланиши керак?
39. Нотариал тартибда тасдиқланмайдиган интеллектуал мулк объектларига тегишли шартномаларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинадими?
40. Интеллектуал мулк объектларига бўлган мулкый ҳуқуқлар бир нечта меросхўрларга ўтганда, бу ҳуқуқлар улар ўртасида фоиз ёки қисмларга бўлиниши мумкинми?
41. Қуйидагилардан қайси бири интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий номулкый ҳуқуқ ҳисобланади?
42. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича даъво муддати тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг
43. Қуйидагилардан қайси бири мулк ҳуқуқини олиш асосларига киради?
44. Қуйидагилардан қайси бири мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этади?
45. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси қанча муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади?

46. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганда ҳал қилув қарори устидан ...
47. Қуйидаги ҳолатларда қайси бири ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш учун мутлақо асос ҳисобланади?
48. Бедарак йўқолган ва руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки камида уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги судга даъво аризасини беришда давлат божи миқдори қанча?
49. Маънавий зарар деганда ...
50. Маънавий зарарни ундиришда айбнинг мавжудлиги шартми?
51. Қуйидаги ҳолатларнинг қайси бирида маънавий зарар етказувчининг айбидан қатъи назар компенсация қилинади?
52. Маънавий зарарни ундириш талабларига нисбатан даъво муддати қўлланиладими?
53. Маънавий зарарнинг миқдорини аниқлашда судлар нималарни ҳисобга олиши керак?
54. Ноқонуний меҳнат шартномасини бекор қилиш натижасида етказилган маънавий зарар қандай компенсация қилинади?
55. Реабилитация қилинган шахсга етказилган маънавий зарар масаласи қандай тартибда ҳал қилинади?
56. Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши натижасида етказилган маънавий зарар қандай компенсация қилинади?
57. Турар жойларни алмаштиришни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб алмаштириш амалга оширилган кундан бошлаб қанча муддатда қўйилиши мумкин?
58. Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиси умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги ўз улушини қандай ҳолларда васият қилишга ҳақли?
59. Асар қайси пайтдан ижтимоий мулкка айланади?
60. Судьянинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатлари қандай процессуал ҳужжат билан расмийлаштирилади?
61. Кимлар судда била туриб ёлғон гувоҳлик қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасига мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантирмайди?
62. Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати қўлланиладими?
63. Маънавий зарар учун компенсация миқдори қандай асосда аниқланади?
64. Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаларидан давлат божи қандай миқдорда ундирилади?
65. Судлар оила тўғрисидаги қонунчилик вазифаларидан келиб чиқиб, оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва уларнинг болалари ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча чораларни кўришлари шарт деб қайси ҳужжатда белгиланган?
66. Эр никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан кейин қанча муддат ичида қўзғатишга ҳақли эмас?
67. Нотариал тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув қандай кучга эга?
68. Алимент ундирилиши лозим бўлган шахс томонидан, агар ушбу шахс ижро ҳужжатига кўра алимент тўлаши шарт бўлса, жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида алимент тўланмаганлиги ҳолати аниқланса, суд нима қилиши шарт?
69. Алимент тўлашдан бўйин товлаш деганда нима тушунилади?

70. Низоли муносабатни тартибга соладиган ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда
71. Қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган ишнинг ҳолатларини қандай исботлаш мумкин?
72. Шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни билдиришга қачон йўл қўйилади?
73. Агар даъво аризасида битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса, ушбу талаб бўйича давлат божи қандай ундирилади?
74. 10 ёшга тўлган болани фарзандликка олишдаги талаб қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
75. Ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш асослари қайси қаторда нотўғри кўрсатилган?
76. Фарзандликка олувчи шахслар кейинчалик фарзандликка олинган болаларига нисбатан ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган тақдирда бу ҳолат ...
77. Фарзандликка олиш ҳақидаги аризага илова қилинмайдиган ҳужжатлар
78. Фарзандликка олишни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар нотўғри кўрсатилган қаторни аниқланг.
79. Суд қачон фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин?
80. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ишларда ...
81. Суд фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ишни албатта ...
82. Суд фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни
83. Фуқаролик процессуал кодексига назарда тутилган қуйидаги қайси ишнинг судда кўрилишида прокурор иштироки мажбурий?
84. Қайси ҳолда никоҳ ФХДЁ органида эмас, фақат суд тартибида кўрилади?
85. Даъво баҳосини нотўғри кўрсатилганда судья қайси ҳолда уни ўзгартиришга ҳақли?
86. ВКС (видеоконференцалоқа) харажатлари қачон ундирилади?
87. Суд буйруғи бекор қилинганда тўланган давлат божи кейинги даъво учун қачон ҳисобга олинади?
88. Суд харажатларини тақсимлаш тўғрисида қўшимча қарор қачон чиқарилади?
89. Почта харажатлари бўйича имтиёз (озод қилиш, кечиктириш, камайтириш) қачон берилмайди?
90. Қарши даъво берилганда давлат божи қандай ундирилади?
91. Боқувчиси вафот этган тақдирда қуйидагилардан қайси бири зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлмайди?
92. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган асарлар қайсилар?
93. Мерос очилган вақт...?
94. Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги
95. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан қайси ҳолатда воз кечиш мумкин?
96. Иш мазмунан ҳал этилмасдан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари
97. Гаров турларини кўрсатинг?
98. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиш шартлари?
99. Юридик шахснинг қонунда тақиқланмаган исталган фаолиятни амалга ошириш бу.....
100. Юридик шахсни қайта ташкил этиш турларини тўлиқ санаб беринг?